

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРААР МАҲКАМАСИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ  
**АХБОРОТ**

النشرة  
العلمية العالمية

SCIENTIFIC-ANALYTIC  
**BULLETIN**



4/2013

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ  
АХБОРОТ

النشرة  
العلمية التحليلية

SCIENTIFIC-ANALYTIC  
BULLETIN



## Таҳрир кенгаши:

Абдуллаев Р.В. (бош муҳаррир)	и.ф.д., проф.
Абдуҳалимов Б.А.	т.ф.д.
Акмалов Ш.И.	с.ф.н., доц.
Алиқулов Ҳ.	ф.ф.д., проф.
Аъзамхўжаев С.С.	т.ф.д., проф.
Зоҳидов Қ.Т.	т.ф.н.
Иброҳимов Н.	фил.ф.д., акад.
Исломов З.М.	фил.ф.д., проф.
Камилов К.С.	ф.ф.н.
Махсудов Д.Р. (масъул котиб)	т.ф.н.
Мухтаров Т.А.	фил.ф.д., проф.
Назаров Қ.Н.	ф.ф.д., проф.
Остонақулов И.	т.ф.д., доц.
Шермухамедова Н.А.	ф.ф.д., проф.
Ҳасанов А.А.	т.ф.д., проф.

## Таҳрир ҳайъати:

Абдуллаев А.Ғ.	т.ф.н., доц.
Абдуллаев А.Б.	ф.ф.н., доц.
Арипова З.Ж.	т.ф.н.
Валиев Б.Н.	ф.ф.н., доц.
Мансуров А.Д.	
Оқилов С.Х.	т.ф.н., доц.
Содиқов З.	и.ф.н., доц.
Турсунов Н.Х.	техн.ф.н., доц.
Усмонов И.С.	т.ф.н., доц.
Раҳимжонов Д.О.	т.ф.н., доц.



## Мундарижа

Сўзбоши ..... 3

### Педагогика, таълим ва тарбия

З. Ходжагасельдиева. Современные требования к профессионально-педагогической компетентности педагога .....	4
Д. Нарзикулова. Педагогик конфликтларнинг яратувчанлик ва бузгунчилик хусусиятлари (умумтаълим мактаблари мисолида) .....	6
Ш. Искандаров. Ўзбекистон арабларининг этник ўзликни англашига доир айрим мулоҳазалар .....	11
<b>Динишунослик (исломшунослик)нинг долзарб масалалари</b>	
А. Хасанов, Д. Пирматов. Сравнительный анализ религий древнего Египта и Месопотамии .....	14
Р. Абриев. Основные этапы развития исламской архитектуры на территории Узбекистана .....	18
И. Турдиматова. Қадимги Миср ва Месопотамия мифологияларидаги эсхатологик қарашлар .....	23

### Мозий ва алломалар мероси

С. Жураева. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида моддий маданият тарихи .....	28
Х. Бердиев. Чилустун жомеъ масжиди қурилиши тарихидан .....	33
Ж. Карямов. Марказий Осиёга яҳудийларнинг кириб келишига оид маълумотлар .....	36
М. Мирзаева. Салжуқийлар даврида таълим муассасалари ва маърифат масканлари тарихи .....	38
Г. Саъдова. Илк туркий тафсираар тарихи .....	42
О. Ирискулов. XIX аср иккинчи ями – XX аср бошларида Самарқанддаги мадрасалар фаолияти .....	47
Э. Раҳжапов. 1920 – 1924-йилларда Бухоро Халқ Совет республикаси (БХСР) миаллий кўшени тарихидан .....	51
Н. Тўраев. Имом Мотуридийнинг Кембриж университети кутубхонасидаги қўлёзмаси хусусида .....	55

### Фалсафий фанлар, филология ва психология

А. Қурбонов. Трансгегаравий дарёлар: йирик гидротехник иншоотлардан фойдаланишдаги экологик муаммолар .....	58
Ж. Юсубов. Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари .....	61
А. Ҳожиев. Ҳокимият легитимлиги тушунчаси .....	66

## 1920 – 1924-ЙИЛЛАРДА БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ (БХСР) МИЛЛИЙ ҚЎШИНИ ТАРИХИДАН

**Таянч иборалар:** Ёш бухороликлар, БХСР, М.В. Фрунзе, Ф. Колесов, ҳарбий нозирлик, Файзулла Хўжаев, Б. Шагабиддинов, Абдулхамид Орифов, РСФСР, ТАССР, Туркистон fronti.

Тарих фанининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган ҳарбий тарих, ҳарбий санъат, қурол-аслаҳа ва ҳарбий унвонлар тарихини ўрганиш нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам долзарб, ҳам қизиқарли мавзу сифатида қаралади.

Ўзбек давлатчилиқ тарихида аждодларимиз томонидан ҳарбий санъат ва жанговар шайликнинг юксак намуналари кўрсатилган. Биргина буюк давлат арбоби ва саркардалар Жалолиддин Мангуберди, Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати ва санъати кўп асрлар давомида Шарқу Ғарб давлатлари учун ўрнак бўлиб келган.

Ўз даврининг улкан ва қудратли давлатларидан бири бўлган Теурийлар салтанати парчаланган давр ва Ўрта Осиёдаги хонликлар даврида ҳарбий иш ва қўшин масаласи тургунлик ҳолатида сақланиб келинди. Бухоро амири Насрулло (1826-1860) даврида тузилган Бухоро амирлигининг доимий қўшини кейинчалик Россия империясининг ҳамда большевикларнинг Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатларида ўта заиф ва қолоқ даражада эканлигини кўрсатди.

Бухорода амирлик тузумининг ағдарилиши, большевиклар ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустақамланишида қизил армия катта роль ўйнади. Бу ҳақида “Бухоро ахбори” газетасининг бир неча сонларида тўхталиб ўтилган. Қизил аскарлар томонидан Бухоро амирлигига қарши ҳарбий операциялар бошланмасдан аввал Туркистон fronti раҳбари М.В.Фрунзе кўрсатмаси билан қизил армия таркибида Бухоро амири қўшинига қарши ҳаракат қиладиган қисмлар чақириб олинди ҳамда Бухоро коммунистик партиясига бўйсунуши кўрсатилди. Амирликка қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлангунга қадар Бухоро коммунистик партияси Бухорода янги ҳарбий кучларни ташкил этишда катта роль ўйнади. Бухородаги рус аҳолиси истиқомат қиладиган қисмда туркман инқилобий полки, Янги Бухоро,

Каттақўрғон, Керки, Термиз каби ҳудудларда ҳарбий дружиналар ташкил этилди. Кейинчалик бу дружина ва отрядлар негизида 1-Бухоро қизил армия полки ташкил этилди. Самарқандда эса Бухоро амири қўшинидан қочган қочоқлардан 3000 кишидан иборат Шарқий мусулмон ўқчи полки ташкил этилди. Мазкур полк аскарларининг асосини Бухоро амири қўшинида хизмат қилган маҳаллий миллат вакиллари ташкил этганлиги сабабли, Шарқий мусулмон полки номи билан аталди. Бухоро амирлиги қарши ҳарбий ҳаракатлар уюштирилиши арафасида Бухоро коммунистик партияси ихтиёрида 5000 нафар яхши ҳарбий таълим олган аскар бор эди<sup>1</sup>.

Большевиклар Бухоро амирлигига қарши ҳарбий операцияга жуда пухта тайёргарлик кўришган эди, сабаби 1918 йил мартдаги Туркистон ХКС раиси Ф.Колесовнинг Бухоро амирлигига қарши муваффақиятсиз ҳарбий ҳужуми ҳали большевикларнинг ёдидан кўтарилмаган эди. Кучлар нисбати мутлақо нотенг, бунинг устига Бухоро амири қўшини яхши қуролланмаган ва ҳарбий тайёргарлиги жиҳатидан паст даражада бўлган. Шу сабабли 1920 йилда Бухорода амир ҳокимиятини ағдарилгига қаратилган ҳарбий ҳаракатларда қизил аскарларнинг устунилиги яққол сезилди.

Ёш бухороликлар қизил армия қисмлари ёрдамида ҳокимиятни эгаллашди. Файзулла Хўжаев (ҳукумат ранси) раҳбарлигидаги Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топди. 1920 йилнинг 6–8 октябрь кунлари халқ вакилларининг I Бутун Бухоро қурултойи бўлиб ўтиб, унда ҳукумат тизими ва республика олий ҳокимияти ҳамда Бухоро ревкоми ваколатлари тасдиқланди. Бухоронинг фақатгина қозғоғдаги мустақиллиги эълон қилинди.

БХСРнинг бир қатор ҳукумат бошқарув тузилмалари қатори Бухорода ҳам қизил армия миллий қисмлари ташкил этишга қиришилди. Бухорода қизил армияни ташкил этиш жараёнида янги ҳукумат аъзолари собиқ Бухоро амири даврида аҳоли қўлида бўлган қурол-яроқларни аҳолидан қайтариб олишга ҳаракат қилди. Чунки Бухоро амирининг тарафдорлари ҳали ҳам кўп бўлиб, улар янги Бухоро ҳукуматига қарши кураш бошлашдан хавфсирашган эди. Бухоро аскарлий фирқасининг

<sup>1</sup> Макашов А. Утверждение Советской власти в Центральном и Южном Таджикистане. Душанбе. 1957. 60-бет.

Муаллиф мақолада 1920-1924 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий қўшин ташкил этиши жараёни Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ҳамда Россия Давлат ҳарбий архиви материаллари асосида таҳлил этилган. Шунингдек мақолада бу миллий қўшиннинг Ўзбекистонда ҳарбий иш тараққиёти ва ҳарбий кадрлар тайёрлашдаги ўрни ёритилган.

Автор в данной статье проанализировал процесс формирования вооруженных сил Бухарской Народной Советской Республики в 1920-1924гг. Анализ основан на материалах Центрального Государственного архива Республики Узбекистан и Российского Государственного военного архива. В статье также определена роль этих вооруженных сил в совершенствовании военной службы и подготовке военнотружущих Узбекистана.

The author in this article has analyzed the process of formation of military forces in the Bukhara People's Soviet Republic during 1920-1924 based on the materials of Central State Archive of the Republic of Uzbekistan and Russian State Military Archive. In the article it was also revealed the role of this army in the progress of military work and military personnel in Uzbekistan.

бош қўмондони Бухоро аҳолисига “Бухорода эски ҳукумат тарафдорларида қолган яроқ (яъни қуроқ – Р.Э) кўпдир. Мамлакатда жумхурият тартибини бирлаштириб жойига қўймоқ учун бутун яроқлар эски ҳукумат одамларидан олиниб, янги ҳукумат қизил аскарларининг қўлида бўлмоғи керак. Бунинг учун умид қиламизки, шаҳар аҳолисига ва ҳам атрофига ҳар хил яроқ, милтиқ, тўшпонча, тўп, қилч, найза, ўқ-дори, патрон ва ҳар бир муҳораба асбоблари бўлса, шу икки кун ичида ҳукуматга келтириб топширсинлар” – дея Бухоро аҳолисига мурожаат қилган.<sup>2</sup>

Бухорода қизил армия қисмларини ташкил этишда маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам жалб этишга ҳаракат қилинди. Бу ҳақида “Бухоро ахбори” газетасининг бир неча сонларида аҳолига мурожаатномалар эълон қилинди. “Бухоро ахбори” газетасида “Бухоро иштирокиюн фирқасининг ташвиқот ва ташкилот шўъбаси тарафидан эълон қилинурки, ҳар ким муқаддас ватаннинг муҳофазаси учун аскарликка ёзилмоқчи бўлса, бу кун (1920 йилнинг 13 сентябридан – Р.Э)дан эътиборан ўз отини ёздирсин” – дея маҳаллий аҳолига мурожаат қилинди.<sup>3</sup>

Туркистон fronti ҳарбий инқилобий кенгаши таклифига кўра, Бухоро қизил армияси қўмондонлик таркиби учун 1920 йилнинг кузида Тошкент шаҳрида мусулмон пиёда қўмондонлар курси ташкил этиш тўғрисида қарор қабул

қилди. 1920 йил декабрда бўлиб ўтган Бухоро Коммунистик партиясининг I съездида муҳокама қилинган масалалар қатори, БХСР миллий қўшини тузилмаларини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Съезд партиянинг барча аъзоларига Бухоро халқи орасида Бухоро миллий қўшини ҳақида тарғибот-ташвиқот олиб бориш ҳақида кўрсатма берди. БХСРда ҳам қизил армия миллий қисмлари РСФСР қизил армияси намунаси асосида ташкил этилди.

БХСР миллий қўшинида 2 сентябрь – Бухорода амирлик тузумининг ағдарилган кун ҳамда 23 февраль – Ишчи-деҳқон қизил армияси (ИДҚА) ташкил этилган кун ҳарбий қасамёд кун сифатида белгиланди. БХСР ҳукумати нафақат БХСР миллий қўшинида хизмат қилувчи аскарларга, балки уларнинг оила аъзоларига катта эътибор қаратган. БХСР ҳукумати томонидан аскарларнинг оила аъзоларига бир қанча имтиёзлар, қайтарилмайдиган қарзлар берилиб, барча солиқлардан озод этилганлар, ишга жойланиб, бепул тиббий хизмат кўрсатилган.<sup>4</sup>

Бухоро Халқ Совет Республикасида 1921 йил 1 февралга келиб қуйидаги ҳарбий муассаса ва қисмлар ташкил этилди:

- 1) Ҳарбий ишлар Халқ Нозирлиги;
- 2) Сийёсий, ҳарбий-муҳандислик, ветеринария ва таъминот бўлими;
- 3) Бухоро, Чоржўй, Кармана, Қарши, Шаҳрисабз, Ҳисор ва Шеробод вилоят ҳарбий нозирликлари;
- 4) Қўмондонлик таркиби учун ҳарбий кадрлар тайёрлайдиган Бухоро ҳарбий мактаби;
- 5) Қочоқлар (дезертир)га қарши кураш бўйича Марказий ҳарбий комиссия;
- 6) Ҳарбий қисмлар 1-Шарқий мусулмон ўқчи полки, 1-Бухоро отлик полки, штаб ҳузуридаги кўриқлаш эскадрони, Бухоро ва Кармана Фавқуллода қўмитаси (ЧК) қошидаги махсус топшириқлар отряди ва бошқа бир неча ҳарбий тузилмалар кирган. БХСР Қизил армияси миллий қисмлари аскарлари сони 1921 йил 1 июлда келиб 6 минг кишига етган.<sup>5</sup>

1-Бухоро отлик полки Ўзбекистон отлик дивизиянинг шаклланишида асос вазифасини

<sup>4</sup> Борисова А. Бухарская Красная Армия. // Бухарская жизнь, 1924. №1-2. 58-бет.

<sup>5</sup> Россия Давлат Ҳарбий архиви (РДХА), 110-фонд, 3-рўйхат, 700-иш, 14-варақ.

<sup>2</sup> Буйруқ // Ахбори Бухоро. 1920 йил, 9 сентябрь. 1-сон.

<sup>3</sup> Эълон // Ахбори Бухоро. 1920 йил, 15 сентябрь. 2-сон.

ўтади. Бу отлиқ негизида кейинчалик 19-Ўзбек отлиқ полки ташкил этилди.

БХСРда қизил армия миллий қисмларини ташкил этишда айниқса ҳукумат раҳбари Файзулла Хўжаев (1896-1938)нинг хизмати беқиёс бўлди. БХСР қизил армияси 1920 йил сентябрда Бухоро ревкомининг қарори асосида Бухоро амирлигига қарши жангларда иштирок этган 1-Шарқий мусулмон ўқчи полки ҳамда 1-Ўзбек кавалерия полки негизида ташкил этилди. БХСР Халқ Нозирлар Шўросида татар миллатига мансуб Б. Шагабиддинов бошчилигида (1920 йил ноябрдан эса Ю. Иброҳимов) ҳарбий ишлар бўйича нозирлик ташкил этилди. Кейинчалик БХСР ҳарбий ишлар нозири лавозимида Абдулҳамид Орипов (1921-1922) ва таниқли давлат арбоби Файзулла Хўжаев 1922-1924-йилларда фаолият кўрсатган.

Бухорода қизил армия миллий қисмларини ташкил этиш жараёнида Ф.Хўжаев томонидан маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, турмуш тарзининг ҳисобга олинishi ва ҳурмат қилинишига алоҳида эътибор қаратилган. Сабаби Ўрта Осиё Россия империяси томонидан истило этилгач, маҳаллий аҳолининг аксарият вакиллари ҳарбий хизматга сафарбар этилмаганлиги натижасида улар ҳарбий таълим, ҳарбийларга хос интизом ҳамда ҳарбийча ҳаётдан анча узоқлашиб кетган эдилар. Ф.Хўжаев РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлигининг Ўрта Осиё бўйича вакили Д.Ю. Гопнерга ёзган мактубида: “Биз ўтказган сафарбарлик (ҳарбий сафарбарлик-Р.Э) ўзимиз учун ҳеч қандай реал фойда келтирмади, армияга чақирилган, яъни сафарбар қилинган икки минг кишидан юз эллик киши қолди, мана шунинг ўзи бизнинг ёшларимиз казарма ҳаётига ва интизомга кўникмаганлигини очик кўрсатиб турибди”<sup>6</sup> – дея ёзган эди. Шунингдек, Ф.Хўжаев “Қизил армия (БХСР қизил армияси-Р.Э)да команда беришни ўзбек тилида олиб бориш ҳамда аҳолининг турмуши ва ривожланиш даражасига мувофиқ келадиган ўзгаришларни уставларга киритилишига алоҳида эътибор қаратди.

Бухорода миллий қўшинни ташкил қилишда БХСР ҳарбий ишлар нозири ва БХСР Нозирлар Шўросининг раиси Абдулҳамид Орипов муайян даражада хизмат қилган. У 1921 йилда Карманада ҳарбий мактаб ташкил қилиб, маҳаллий халқдан зобитлар тайёрлашга киришган.

<sup>6</sup> Ўша жойда, -Б.124.

Туркистон фронтининг буйруғи асосида БХСР ҳукумати маҳаллий миллат вакилларида бир неча ҳарбий қисмлар ташкил этди. Аммо маҳаллий аҳолининг чор Россияси даврида ҳарбий хизматга жалб этилмаганлиги сабабли уларни ҳарбий хизматга сафарбар этиш қийинчилик билан кечди. БХСРда қизил армиянинг миллий қисмларини ташкил этиш жараёнининг дастлабки кунлари ҳақида Бухоро отлиқ полки кўмондони И.П. Бекжонов: – “Таъминот масаласи жуда оғир, Ўрта Осиёнинг маҳаллий миллат вакиллари илгари ҳарбий хизматга чақирилмаганлар. Ҳарбий қисмларни ҳарбий тайёргарлик ташкилоти ва уларнинг бошқариш муассасаларида бир неча тушунмовчиликлар кузатилди. Бунга сабаб эса бизда аскарларнинг маҳаллий тилида бирорта ҳам адабиёт, ҳарбий Низом ва йўриқномаларнинг бўлмаганлигидир. Собик Бухоро амира қўшинида ҳарбий Низомдан умуман фойдаланилмаган. Бу вазиятдан саводли аскарларни ўқитиш орқалигина чиқиш мумкин”<sup>7</sup>, – дея хотирлайди. БХСР ҳарбий нозирлиги сиёсий бошқармаси саводсизликни йўқотиш мақсадида ҳарбий қисмларда 9 та мактаб ва 17 та кутубхона ташкил этган.<sup>8</sup> Бундан ташқари БХСР ҳукумати раҳбарлари қўшиндаги русча ҳарбий буйруқ (команда)лар ўрнига ўзбекча ҳарбий атама ва буйруқларни жорий этишга ҳам ҳаракат қилганлар. Саид Ахрорий БХСР миллий қўшини ҳақида сўз юритар экан, “эндиги вазифа расмий ҳужжатлар юритишдаги, команда беришдаги русча муомала ўрнига ўзбекча мулоқотни жорий қилишдур”<sup>9</sup>, – дея таъкидлаган эди.

Бутун Бухоро МИҚ 1922 йил 21 августида республика (БХСР –Р.Э)да ҳарбий инқилобий кенгаш ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. 1922 йил ўрталарида БХСР қизил армияси 1 та отлиқ полк, 1 та ўқчи полк ва артиллерия дивизиони, 1 алоҳида отлиқ эскадрони, 1 та бирлашган ҳарбий кўмондонлик курси, ёрдамчи қисм каби тузилмалардан таркиб топган эди. БХСР қизил армияси Ўрта Осиёда жуда кенг қулоч ёйган қуролли қаршилик ҳаракатига қарши ҳарбий операцияларда иштирок этган.

<sup>7</sup> Бикжанов И.П. Армия освобождения, воспитания и просвещения. В книге: За советский Туркестан. Ташкент. 1963. 487-бет.

<sup>8</sup> Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская Республика. –Т.: 1969. 200-бет.

<sup>9</sup> Саид Ахрорий. Ҳарбий ишларимиз ҳам алмашсун // Бухоро ахбори, 1921 йил 1 май, 34-сон.

Қуролли қаршилик ҳаракатига қарши кураш жараёнида иштирок этган БХСР армиясининг моддий таъминоти жуда оғир аҳволга тушиб қолди. БХСР ҳарбий нозирлигининг ҳисоботида 1921 йил бошларида кўпгина БХСР ҳарбий қисмларида, айниқса, 1-Шарқий мусулмон полки ва 1-Бухоро отлик полкидаги етишмовчилик юқори даражада эканлиги қайд этилган<sup>10</sup>.

Шу сабабли Бухоро Коммунистик партиясининг 1921 йил февралида бўлиб ўтган V съезди қарорида “Барча нарсга Қизил кўшин учун” деган шiori ҳар бир виждонли республика (БХСР-Р.Э) фуқаросининг биринчи мақсади бўлиши кераклиги таъкидланди.

БХСР ҳукумати Бухорода қизил армиянинг миллий қисмларини ташкил этишда дастлаб кўнгилилик тамойилига асосланган бўлса, 1921 йил сентябрда бўлиб ўтган Бутун Бухоро халқ вакилларининг 2-қурултойи БХСРда икки йиллик умумий ҳарбий хизматни жорий этиш ҳақида қарор қабул қилди. Шунингдек БХСР қўшини аскарлари учун РСФСР армияси намунаси асосидаги ягона расмий ҳарбий кийим жорий этилди.

1921 йил февраль ойида ҳарбий нозир Файзулла Хўжаев буйруғи билан фақат Бухоро вилояти ҳудудида яшовчи 20-26 ёшли йигитлардан 1500 киши Бухоронинг миллий қизил армияси сафига қақирилган бўлса, БХСР ҳукумати томонидан 1922 йил 30 декабрда 2000 кишини Бухоро қизил армияси сафига қақириб учун буйруқ чиқарди.<sup>11</sup> Бироқ маҳаллий аҳолининг кўпчилиги армия ва милиция сафларига киришни хоҳламади. Нагигада РСФСР ва Туркистон АССР талаби билан Туркистон фронти ихтиёридан қизил армиянинг 2 та полки, батальон ва артиллерия батареяси олиниб, Бухоро ҳарбий ишлар нозирлиги ихтиёрига берилган. Бундан ташқари қизил армиянинг 40000 кишилик мунтазам ҳарбий қисмлари БХСР ҳудудида доимий сақланди ва улар миллий муҳолифат кучлари – қуролли қаршилик ҳаракати вакилларига қарши узоқ вақт курашдилар.<sup>12</sup>

Туркистон фронтининг БХСР ҳарбий нозирлигига берган буйруғига асосан 1-Шарқий мусулмон полки 360 кишидан, отлик полки – 300 кишидан, интернационал батальон – 200 кишидан

иборат тартибда ташкил этилиши, 2-Туркистон артдивизиони батареясининг Тахтабозорда, қолган ҳарбий қисмларнинг Янги Бухоро, Чоржўй, Керки ва Термизда жойлаштирилиши кўрсатилган.

БХСР ҳукумати миллий қўшин учун маҳаллий миллат вакилларидан малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам жиддий аҳамият берган. Бутун Бухоро МИҚ 1923 йил 23 декабрда БХСР ҳарбий нозирлиги томонидан маҳаллий аҳоли фарзандларига бепул ҳарбий таълим бериш мақсадида ҳарбий мактаб очиш ҳақида қарор чиқарди. Ушбу мактабни ташкил этиш учун махсус комиссия ташкил этилиб, комиссия томонидан 10-12 ёшли, жисмонан соғлом, ҳарбий-ўқув машғулотларга чидамли, иродаси мустаҳкам, тафаккур доираси кенг маҳаллий аҳоли фарзандлари саралаб олинган. Мактабга қабулдан кўзланган асосий мақсад маҳаллий миллат вакилларидан келажакда Бухоро қизил армияси қисмлари учун етук миллий ҳарбий кадрлар тайёрлашдан иборат бўлган. Ҳарбий мактабга Бухоро қизил армияси қўмондонига бўйсунувчи ҳарбий қўмондон раҳбарлик қилан. Ушбу мактабда маҳаллий миллатга мансуб аҳолининг 100 нафар фарзанди ҳарбий таълим олган. Агарда қўшимча ўринлар бўлса ҳарбий хизматчилар ҳамда касаба уюшмаси ходимларининг фарзандлари ҳам қабул қилинган. Мактабни тамомлаган ўқувчилар ўқишни давом эттириш учун ҳарбий ўқув юртлари ва қўмондонлик курсларига йўналтирилганлар. 1924 йилнинг ёзида мактабни 66 ўқувчи тамомлаб, улардан 27 ўқувчи ўзбек, 12 ўқувчи туркман, 12 ўқувчи тожик, 8 ўқувчи татар, 4 ўқувчи бухоролик яҳудий, 3 ўқувчи рус миллатига мансуб бўлган.

Ҳарбий мактабга ўқитувчи сифатида киришни хоҳловчилар камида 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлишлари ҳамда мактаб бошлиғи, сиёсий қўмондон (политком) ва бир неча ўқитувчилардан ташкил топган махсус комиссия олдида оғзаки синов маърузаси ўқишлари талаб этилган.<sup>13</sup>

Бухоро қизил армияси ижтимоий таркиб жиҳатидан хилма-хил бўлса-да, унинг асосини ўзбек миллатига мансуб ҳарбийлар ташкил этган. Бухоро Коммунистик партиясининг 1924 йил 31 августдаги ҳисоботида Бухоро Қизил армиясининг ижтимоий таркибини 60 фойзи – ўзбеклар, 6,2 фойзи – тожиклар, 1,2 фойзи – қирғизлар, 8,2 фойзи – татар миллатига мансуб ҳарбийлар ташкил этган.<sup>14</sup>

<sup>10</sup> Ўзбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 42-иш, 88-варақ

<sup>11</sup> Ўзбекистон МДА, 46-фонд, 2-рўйхат, 7-иш, 10-варақ

<sup>12</sup> Ражабов Қ.К. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли//Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шарқ. 2000. 197-бет.

<sup>13</sup> РДҲА, 25849-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 16-варақ.

<sup>14</sup> Б о р и с о в А. Бухарская Красная Армия// Бухарская жизнь, 1924. №1-2. 59-бет.

Хулоса қилиб айтганда, БХСР раҳбарияти республиканинг қисқа муддатли бошқаруви давомида БХСРда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётга оид бир қатор ислохотларни амалга оширган бўлса, бу ислохотлар қатори ҳарбий соҳада ҳам аҳамияти муҳим, миқёси кенг бўлган ислохотларни амалга оширдилар. БХСР миллий қўшини гарчи совет ҳокимияти манфаатларига хизмат қилган бўлса-да, БХСР давлат сифатида тугатилиб, Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилган жараёнда БХСР миллий қўшини Ўз ССРда қизил армия миллий қисмларини ташкил этишда асос бўлиб хизмат қилди.

Бугунги кунда ўзбек ҳарбий кадрлари ўз Ватанларида, ўз сарҳадлари дахлсизлиги, ватандошларининг хавфсизлиги ва фаровон турмуши йўлида хизмат қилмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ҳарбий соҳада тинчлик ва ўзаро ҳамкорликка асосланган ўз стратегик йўлини белгилаб олди. “Ўзбек том маънода бунёдкордир. Унга бировнинг ери керак эмас. Мабодо қўлига қурол олгудай бўлса, фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина олади” – дея таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов<sup>15</sup>.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Макашов А. Утверждение Советской власти в Центральном и Южном Таджикистане. Душанбе. 1957.
2. Искандаров Б.И. Бухара, 1918-1920 гг. Душанбе. Дониш. 1970.
3. Шукуруллаев Юнус Асрорович. Бухоро амрирагида қўшин ва ҳарбий иш (1756-1920). Тарих фанлар номз. учун ёзилган дисс. –Т.: 2006.
4. Россия Давлат ҳарбий архиви (РДХА), 110-фонд (Туркистон fronti), 3-рўйхат, 700-иш, 14-варақ
5. И ш а н о в А.И. Бухарская Народная Советская Республика. –Т.: 1969.
6. Ўзбекистон МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 42-иш, 88-варақ.
7. Борисов А. Бухарская Красная Армия// Бухарская жизнь, 1924. №1-2.

#### Эркин РАДЖАПОВ,

ЎзР ФА Тарих институти  
катта илмий ходим-изланувчиси

## ИМОМ МОТУРИДИЙНИНГ КЕМБРИЖ УНИВЕРСИТЕТИ КУТУБХОНАСИДАГИ ҚҮЛЁЗМАСИ ХУСУСИДА

**Таянч иборалар:** *Мотуридий, “Китоб ат-тавҳид”, “Табсира ал-адила”, ягона нусха, Ф. Хулайф нашири, Ғарб исломишунослари, Ж. Шахт,*

Имом Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Махмуд ал-Мотуридий ислом оламида “Раис аҳли сунна вал-жамоа”, “Имом ал-мутакаллим” номлари билан машҳур бўлган, “Аҳли сунна вал-жамоа” томонидан тан олинган ақидавий йўналишлардан бири – “мотуридия” таълимоти асосчиси бўлиб, Самарқанд яқинида жойлашган Мотурид қишлоғида 256/870 йилда таваллуд топган<sup>1</sup>.

Манбаларда Имом Мотуридийнинг калом, тафсир ва фикҳ соҳаларига оид ўндан ортиқ асарлар таълиф этгани ҳақида маълумотлар берилган. “Китоб ат-тавҳид” улар ичида энг машҳури бўлиб, асар алломанинг ақидавий қарашлари батафсил баён этилгани билан мотуридия улаомлари наздида мўътабардир.

Асар қўлёзмасининг бизгача етиб келгани ҳақидаги маълумотлар XX аср бошларидаёқ эълон қилинган эди. Жумладан, бу ҳақида дастлабки маълумотлар И.Голдциер (1904) ва Э.Браунларда (1922) учрайди<sup>2</sup>. Шу билан бирга, қўлёзмани тадқиқ қилишга ҳали киришилмаган эди.

Матнга бўлган қизиқиш XX аср 50-йилларидан бошлаб авж олди. Бунга Жозеф Шахтнинг 1953 йилда *Studia Islamica* илмий журналида чоп этилган “Муҳаммадийлик илоҳиёти тарихига оид янги манбалар” номли мақоласида<sup>4</sup> Кембриж университети кутубхонасида Ms.Add.3651 рақами билан сақланаётган манба Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” асари экани ва уни алоҳида нашр этиш истаги борлигини таъкидлаши сабаб бўлди, дейиш мумкин. Ж.Шахт бу ишни амалга ошира олмаган бўлса-да, унга тадқиқотчилар эътиборини қарата олди.

Дастлаб, баъзи тадқиқотчилар томонидан қўлёзма асар ҳақида кўплаб танқидий фикрлар билдирилди. Қўлёзманинг Имом Мотуридийга тегишлилиги ва айнан унинг “Китоб ат-тавҳид”и экани ёки йўқлиги ҳақида турли саволлар берилди. Чунки калом илмининг буюк намояндаси, ислом

<sup>1</sup> Оқилов С. Мовароуннаҳрда мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи. Т.:Мовароуннаҳр, 2012. – Б. 58.

<sup>2</sup> Браун Э. A Supplementary Hand-List of the Muhammadan Manuscripts. Буюк Британия: Кембриж, 1922. – Б. 167.

<sup>3</sup> Рудолф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 15.

<sup>4</sup> Жозеф Шахт, “New Sources for the History of Muhammadan Theology”, *Studia Islamica*, I-II (1953-54), - Б. 24, 41.

<sup>15</sup> Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ. 1998. –Б.16.